

**9. Табиий газ, электр, ичимлик суви билан таъминлаш, янги уй-жойлар қурилиши, йўлларнинг ҳолати, коммунал масалалар ва ҳоказо.**

**-Электр энергияси таъминоти.**

**“Сирдарё ХЭТК” АЖ балансида мавжуд бўлган электр ускуналар ва қурилмалар мавжуд Жумладан :**

110 кВли юқори кучланишли ҳаво тармоқлари	- 688,2 км
35 кВли юқори кучланишли ҳаво тармоқлари	- 647,94 км
10 кВли ҳаво тармоқлари	- 3516,15 км
0,4 кВли ҳаво тармоқлари	- 2848,96 км
10 кВли кабел тармоқлари	- 86,53 км
6 кВли кабел тармоқлари	- 86,53 км
0,4 кВли кабел тармоқлари	- 52,45 км
35 кВли нимстанциялар	- 52 дона / 273,8 мВА
110 кВли нимстанциялар	- 25 дона / 497,4 мВА
10/0,4 кВли трансформатор пунктлари	- 2156 дона / 364,8 мВА

**Шунингдек, туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари балансида:**

Гулистон шаҳрида 146,58 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 243,79 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 49,16 км 10 кВли кабел тармоғи, 22,19 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 231 дона 52,5 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Янгиер шаҳрида 101,99 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 85,2 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 7,17 км 10 кВли кабел тармоғи, 4,26 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 92 дона 13,3 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Ширин шаҳрида 21,72 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 24,71 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 5,62 км 10 кВли кабел тармоғи, 12,03 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 36 дона 5,1 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Гулистон туманида 425,30 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 316,21 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 1,62 км 10 кВли кабел тармоғи, 0,62 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 202 дона 26,2 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Боёвут туманида 458,63 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 417,3 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 0,62 км 10 кВли кабел тармоғи, 0,50 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 244 дона 36,8 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Ховос туманида 480,42 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 365,82 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 1,74 км 10 кВли кабел тармоғи, 5,40 км 6 кВли кабел тармоғи, 3,65 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 271 дона 43,2 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Сайхунобод туманида 466,6 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 333,8 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 3,09 км 10 кВли кабел тармоғи, 0,96 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 297 дона 48,7 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Мирзаобод туманида 403,68 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 241,41 км

0,4 кВли ҳаво тармоғи, 1,18 км 10 кВли кабел тармоғи, 1,3 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 209 дона 28,1 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Оқолтин туманида 295,56 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 245,22 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 3,69 км 10 кВли кабел тармоғи, 4,52 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 177 дона 34,8 мВА қувватли трансформатор пунктларини, Сардоба туманида 319,01 км 10 кВли ҳаво тармоғи, 174,49 км 0,4 кВли ҳаво тармоғи, 0,52 км 10 кВли кабел тармоғи, 0,52 км 0,4 кВли кабел тармоғи, 190 дона 30,8 мВА қувватли трансформатор пунктларини ташкил этади.

Вилоятда 2008-2014 йилларда электр таъминотини яхшилаш мақсадида 125,5 км ҳаво тармоғи ва 138 дона кучланишли трансформаторлар тўлиқ янгиланди.

Мавжуд 10,04-110 кВли 4715,9 минг км ҳаво тармоқлари, 1424 та трансформатор пунктлари, 13 та 35-110 кВ подстанциялар ва 18 та 35-110 кВ трансформаторлар тўлиқ таъмирланди.

Бундан ташқари 42 та аҳоли яшаш пунктларидаги ўта юкланиш билан ишлаб турган тармоқ трансформаторлари 158 та катта қувватли трансформаторларга алмаштирилди. Жумладан, Гулистон туманидаги подстанцияси, Боёвут туманидаги подстанцияси ва Гулистон шаҳридаги подстанцияларига қўшимча катта қувватли трансформаторлар ўрнатилди.

#### ***-Табиий газ таъминоти.***

Сирдарё вилоят газ таъминоти бошқармаси буйича 01.04.2015 йил ҳолатига 4285,3 км газ қувурлари, шундан 612,9 км юкори босимли, 980,0 км урта босимли, 2227,6 км паст босимли газ қувурлари мавжуд. Газ қувурларининг 561,1 км қисми ер остида ва 3259,7 км (464,5 км ҳовли қувуридан ташқари) ер устида жойлашган. Шунингдек жами 2167 дона газ тақсимлаш қурилмалари мавжуд. Жумладан вилоят бўйича 19 та газ тақсимлаш станцияси (ГТС) орқали истеъмолчилар табиий газ билан таъминланади.

Вилоят бўйича барча истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинадиган табиий газ ҳажми ўртача **548,9 минг м<sup>3</sup>** шундан, улгуржи истеъмолчиларга **82.9 м<sup>3</sup>** ва аҳолига **458.5 м<sup>3</sup>** ташкил этади.

Вилоятда 2008-2014 йилларда 113,7 км газ қувурлари янгидан қурилган, реконструкция қилинган ва капитал тамирланган.

Маиший хизмат объектларидан 1 та сервис марказлари ва 1 та суюлтирилган газ тўлдириш пункти қурилиб, 24 та техника ва жиҳозлар харид қилинган. Натижада 2201 та хонадонларда табиий газ таъминоти яхшиланган.

Бундан ташқари табиий газ етиб бормайдиган ва газ босими паст хонадонларида суюлтирилган газ таъминотини яхшилаш мақсадида, 43392 минг дона маиший газ балонлари етказиб берилган.

Маиший газ балонларнинг асосий қисми марказидан узоқликда жойлашган ҳудудлардаги Сардоба, Оқолтин, Сайхунобод, Боёвут ва Гулистон туманлари аҳоли хонадонлари таъминланган.

Бугунги кунда 3 та сервис марказлари фаолияти йўлга қўйилган. 13 та газ баллонлари ташийдиган автотранспорт воситалари хизмат қилмоқда.

Суюлтирилган газга мослаштирилган аҳоли хонадонлари учун 2011-2014 йилларда 21 минг 100 дона маиший газ баллонлари етказиб берилган.

Шунингдек, вилоят аҳолисига 2011-2014 йилларда 36 минг тонна кўмир етказиб берилди ва 2015 йилда 18 минг тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган.

Кўмир маҳсулотини бир маромда етказиб бериш мақсадида “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятининг “Сирдарё ҳудудий кўмир етказувчи” унитар корхонаси ва унинг 3 та туманлараро кўмир тарқатиш шоҳобчалари ташкил этилган.

#### ***-Автомобиль йўллари қурилиши.***

Минтақанинг йўл инфраструктурасини ривожлантириш мақсадида 2008-2014 йиллар давомида Инвестиция дастури доирасида вилоятда жами 308 км, шундан 53 км узунликдаги йўллар реконструкция қилинган, 42 км узунликдаги йўллар тўла таъмирланган ҳамда 213 км узунликдаги йўллар ўрта таъмирланган.

Айниқса, вилоят орқали Фарғона водийсига борувчи асосий автотранспорт воситалари қатновини таъминловчи ҳалқаро аҳамиятдаги А-373 “М-39 автойўл Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали Ўш” автомобил йўлининг вилоятдан ўтувчи қисмини реконструкция қилинишида ҳамда М-39 “Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз” автомобил йўлларида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Ушбу объектга 70 млрд 207 млн сўмдан ортиқ маблағлар ўзлаштирилиши таъминланди.

Шунингдек, 2009-2014 йиллар давомида 288,6 км узунликдаги ҳўжаликлараро ички йўллар мукамал ва жорий таъмирланиб, бу мақсадларга жами 15,9 млрд сўм миқдорида маблағлар сарфланди.

#### ***-Янги уй-жойлар қурилиши.***

2009-2014 йилларда барча қулайликларга эга қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги 21 та массивда 1901 та намунавий уй-жой қурилиб, 1612 та уй эгаларига фойдаланишга топширилди.

2009 йилда вилоятда 60 та уй-жой қурилган бўлса, 2014 йилда 506 та уйлар қурилди.

Қишлоқ жойларда барпо этилган уй-жой массивларида барча қулайликлар яратилди.

Мазкур намунавий уй-жойлар массивларида мактаб, болалар боғчаси, қишлоқ врачлик пунктлари, “Махалла гузари”, бозор, автобус бекати, милиция таянч пункти, “Маиший хизмат кўрсатиш” шоҳобчалари, савдо марказлари ва спорт майдончалари қурилди.

Массивлар ер майдонларини танлашда аҳолига транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа инфраструктураси ҳисобга олиниб келажакда уй сони 100 тадан кам бўлмаган массивларни танлаш белгилаб олинди.

Жумладан, Гулистон тумани “Зарбдор” массивида 409 та, Боёвут тумани “Гулистон” массивида 305 та, Мирзаобод тумани “Хайдар” массивида 261 та уй-жойлар қурилиб, кичик посёлкага айланди.

Бу ўз навбатида қурилиш таннархини камайтириш, ичимлик ва оқар сув, электр энергия ва газ таъминотини узлуксиз таъминлаш, равон йўллар ҳамда ёруғ кўчалар, ободонлаштирилган массивлар барпо этиш имкониятини беради.

***-Ичимлик суви таъминоти.***

2008-2014 йилларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича 270,0 км сув қувурлари қурилган ва реконструкция қилинган, 17 та махсус техника ва жиҳозлар харид қилинган. Натижада 139 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланган.

Вилоятда аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 2014 йилда 82,0 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 75,0 фоизга ошган.